

# YOSHLAR OVOZI

## HAMKORLIK

### АҲИЛ ОИЛАЛАР КЎПАЙИШИ УЧУН

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Таъкидланганидек, мазкур келишув мамлакатда аҳил оилалар сонининг кўпайиб, жамиятда соғлом муҳитнинг барқарорлашувига хизмат қилади. Унинг доирасида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда ёш

оилаларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. — Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиз, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қўранбаев. — Бунинг учун, аввало, оилавий қадриятлар фундаментал ва

амалий тадқиқотлар олиб бориш, шу орқали оила институтини мустаҳкамлаш лозим. Умид қиламанки, бугун имзоланган меморандум ёшлар манфаатларини ҳимоялаш йўлидаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтарди. Айтиш керак, Иттифоқ ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида

ичкамлаштирилган, намунали тўйлар ўтказилмоқда. Ҳозиргача 88 та тўй ана шундай форматда ўтказилди. Никоҳдан ўтган ёшларга китоблар жамланмаси ҳамда юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат учун йўланмалар тақдим этиляпти.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

## ИМКONIYAT

### 1000 НАФАР ТАЛАБАГА ВАЗИРЛИК ЁРДАМ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари контрактининг бир қисмини тўла беради. Бу ҳақда таълим маскани ректори Сарвар Бобоҳужаев маълум қилди. Мазкур имконият ҳозирча фақат иккинчи, учинчи ва тўртинчи bosқичда ўқиётган йиғит-қизларга тақдим этилмоқда. Ҳаммаси бўлиб минг нафардан зиёд талабага молиявий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. "Улар шартнома пулини эски нарҳда тўлайди. Ўртадаги фарқ эса, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва комму-

вазирлиги томонидан қоплаб берилади", — таъкидлади С.Бобоҳужаев.

Эслатиш керак, ҳозир Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг компьютер ва дастурий инжиниринг таълим йўналишида тўлов-шартнома миқдори 21,05 миллион сўмни ташкил этмоқда. Келаси ўқув йилида бу рақам 28,5 миллионга етади. Логистика йўналишида тахсил олаётганлар эса, 22,1 миллион ўрнига 30 миллион сўм тўлаши керак. Шу нуқтани

назардан, АКТ вазирлигининг ташаббуси айна мудабо. Сарвар Бобоҳужаев юрти-мизда ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашнинг ягона тизими яратилаётганини ҳам қайд этди. Утган йили Мухаммад ал-Хоразмий номи-

даги Ахборот коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб очилган эди. Айни вақтда соҳага ихтисослашган яна сақкизта коллежнинг фаолияти такомиллаштирилмоқда. Яна бир янгилик: 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида таълим кредит тизими жорий этилади. Яъни, талабаларга мавзуларни мустақил танлаш имконияти берилади.

ТИУ ректори, шунингдек, ўзи раҳбарлик қилаётган таълим даргоҳи дунёдаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликда турли лаборатория ва марказларни ташкил этишга ҳозирлик кураётганини айтди. Яқин истиқболда университетда "SAP NextGen" лабораторияси иш бошлайди. Унда талабалар дронлар, блокчейн, интернет буюмлари (IoT), мобиль иловалар, булутли технологиялар, сунъий онг ва бошқа инновациялар билан яқиндан танишиши мумкин.

Роҳатой ҚОДИРОВА

## ЯГОНА МАКТАБ ФОРМАСИ МУҲОКАМАСИ



Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида жорий ўқув йили яқунлашмоқда. Таълим соҳаси мутахассислари, ўқитувчилар олдига эса, навбатдаги ўқув йилига тайёргарлик масъулияти турибди. 2018/2019 ўқув йили ўзгача бошланиши кўтилмоқда. Янги ўқув йилидан барча ўқувчилар учун ягона мактаб формаси жорий этилади.

Халқаро пресс-клуб сессиясида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Ота-оналар, уларнинг фарзандлари ва ўқитувчилар хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ягона мактаб формасини яратиш бўйича тақдир ва тавсиялар беришга эришилди. Утган вақт мобайнида бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. "Ўзўқимчиликсаноат"

уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан соҳа мутахассислари ва етакчи дизайнерларни жалб этган ҳолда мактаб ўқувчилари формаларининг намуналари яратилди. Янги намунадаги формалар ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар, кенг жамоатчилик муҳока-масига қўйилди. Кўпчилик фикрига кўра, энг мақбул топилган 10 турдаги мактаб формаси тажриба-синовдан ўтказишга қўйилди.

Синов жараёни Тошкент шаҳри Яққасарой туманидаги 91-умумтаълим ва Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 4-умумтаълим мактабида давом этмоқда. Жараёни-ни сифатли ташкил этиш мақсадида ота-оналар учун сўровнома тарқатилган. Яқин кунларда тажриба-синовдаги формаларнинг қайси бири мақбул экани ушбу сўровномаларда билдирилган фикрлар орқали аниқланади. Мутахассислар фик-

рича, мактаб формаси нафақат, ташки кўриниши, бола организмига таъсири, сифати, балки ёш авлодда ватанпарварлик ҳиссини уйғотувчи восита ҳамдир. Шу боис формаларни танлашда уларнинг ранги, табиий хусусияти ва ихчам дизайнига ҳам эътибор қаратилади.

Мактаб формаси 3 ёш гуруҳига бўлинган ҳолда танланиши кўзда тутилмоқда. 1-4, 5-8 ва 9-11 синф ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида формалар яратилган.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар тажриба-синовдаги формалар барчага маълум эканини таъкидлади. Уларнинг сифати яхшилиги, материалли 100 фоиз пахта хомашесидан экани ҳам мақсадага мувофиқ. Сўровномалар ва жамоатчилик яқуний ҳулосасига таянган ҳолда танланган мактаб формаларини барча мактабларга етказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, формаларни тикшиш жараёнига чекка туман ва қишлоқлардаги тикувчилик цехлари жалб этилади. Кўп фарзандли ота-оналарнинг мактаб формаларини харид қилиши учун қисқа мuddатли кредитлар ажратилиши йўлга қўйилмоқда. Мактаб формаси нарҳларининг ижтимоий оммабоп бўлиши таъминланади.

Улуғбек АСРОРОВ,  
ЎЗА муҳбири



### УМИДБАХШ ҚАРОР



### ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ҲАҚИДА 7 МАЪЛУМОТ



### КЕЛИН ҚАЙСИ ТОМОНДА ТУРАДИ?

ёхуд КИТОБСЕВМАСлар орасида  
баҳсга айланган мавзу

## DOLZARB MAVZU

### БЕГОНАЛАШУВ – ИЛЛАТЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ...

Чумолининг ўз тўпидан ажралиб, қаёққа боришини билмай турганини кўрганмисиз? Бу сизга ниманилир эслатганими?

Бу ҳолат инсоннинг жамиятдан, ўз оиласидан узоқлашиши, яқини то-полмай қолишига ўхшайди. Шерикларидан айрилган чумоли узоққа боролмаганидек, инсоннинг инсонийликдан йироқлашиши ҳам ўз ортдан салбий иллатларни бошлаб келади.

Дунёда, ҳаётимизда, ён-атрофимизда содир бўлаётган узоқлашувлар, авлодлар ўртасидаги беғоналашув, инсонларнинг ўз менталитети, аъяна ва урф-одатларидан воз кечиши бугун хавфли тус олмоқда.

Инсон қачон оиласидан, жамолдан узоқлашади? Буни ўзи хоҳлаб қиладими? Балки бошқа омилар бормир?

Беғоналашув – бу ижтимоий-фалсафий тушунча бўлиб, кишининг жамиятдан, уни бошқаришдан, ўзи яратган муносабатлар ва объектив-

лаштирилган нарсалардан четланганлигини билдирувчи ижтимоий жараён. Демак, беғоналашув негизда ижтимоий муҳитга тегшли омилар ётади. Инсоннинг ўзидан, моҳиятидан узоқлашиши, ўзигини англашга қодир бўл-маслиги ёхуд бунга тан олмас-лигининг иньикосидир. Бунда инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, мақоми, мавқеи, бажа-раданган вазифаси ўртасида узилишлар содир бўлади. Ҳат-то ота-она, фарзанд, яқинлар ҳақида қайғуриш, ўйлаш унга огирлик қилади. Бу жараёнда ёш ва жинснинг аҳамияти йўқ.

Файласуф Людвиг Фейербах беғоналашув кишида кўркүк, қарамлик каби руҳий ҳолатларни келтириб чиқаради, деб ҳисоблаган. Бу каби салбий вазиятлар авлодлар ўртасидаги тушунмовчиликларда яққол намоён бўлади.

Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, қалбдан ва фикрдан узоқлиги, муносабатларидаги меёбернинг бузилиши, жамиятда ўз ўрнини тополмаслиги беғоналашувнинг туб илдизини ташкил этади.

Бу тушунча Фарб дунёсидаги айрим вазиятларда табиий ҳол сифатида қаралади. Шарқ халқлари эса, кўпроқ жамоавийлик тарafdори, ўзининг муаммолари, фикрлаши, турмуш тарзида бирилашиши, уйғунлигини кўради. Бу биз, ўзбек халқининг урф-одатлари, аъяналарида ҳам ўз аксини толган.

Аммо сўнги йилларда глобаллашув жараёнидаги айрим ҳолатлар – интернет тизимининг кенг ёйилиши, четдан кириб келётган тури салбий одатлар ёшларда беғоналашувни кучайтирмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ESHITDINGIZMI?

### БУТУН ДУНЁ ЁШ ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗБЕКISTONДА ТЎПЛАНАДИ

Жорий йилнинг 27-31 май кунлари пойтахтимизда илк бор Ёш лидерлар халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Форум Германиянинг "Global Bridges e.V." ижтимоий ташкилоти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ҳамда ГФРнинг Тошкентдаги элчихонаси кўмагида ўтказилади.

"Global Bridges e.V." 1973 йили Берлинда ташкил этилган мустақил нотижорат ташкилотидир. Унинг фаолияти тижорат тузилмалари ҳомийлик бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Германия, АКШ, Хитой ва бошқа давлатларнинг етакчи таълим ва тадқиқот марказлари мазкур ташкилотнинг ҳамкорлари саналади. 400 дан зиёд турли соҳалардаги ташкилотлар "Global Bridges e.V." га аъзолиқ.

"Global Bridges e.V." фаолиятининг асосий йўналишлари сиёсат, иқтисодиёт, илм-фан, таълим, маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаларидан 25 дан 35 ёшгача бўлган салоҳиятли ёш лидерлар ўртасида алоқаларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган турли конференция ва форумлар, симпозиум, учрашув ҳамда танишув сафарларини ташкил этишдан иборат.

Ушбу мақсадларда ташкилот 1973 йилдан буён Ёш лидерлар дастурини амалга ошириб келади. Бугунги кунда 40 дан ортик мамлакатдан қарийб 2,5 минг нафар ёш ушбу дастурнинг иштирокчиси бўлди. Лойиҳа битирувчилари "Global Bridges" тармоғининг ажралмас қисмига айланимқода ва ташкилот томонидан ҳар икки йилда бир марта ба "alumni" шаклида ўтказилади-ган учрашувларда иштирок этиш

имкониятига сазовор бўлиш-моқда.

Мазкур тузилманинг асосий тадбирларидан бири – Ёш лидерлар конференциясидир. Унинг мақсади – малакали ва улкан салоҳиятли ёшларга минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб мавзуларда фикр алмашишга замин яратиш, шунингдек, турли мамлакатлардан келган иштирокчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Яқинда бўлиб ўтадиган XVII Ёш лидерлар конференциясида Австрия, Аргентина, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Хитой, Нидерландия, Россия, Сербия, АКШ, Ўзбекистон, Франция, Эстониядан қарийб 40 нафар вакил иштирок этиши кўтилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Global Bridges e.V." вакиллари жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистонга танишув сафари уюштиришди. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Олий Маъжлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ва Ёшлар иттифоқида турли учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур таширф якуни бўйича навбатдаги конференцияни Тошкентда ўтказиш қарори қабул қилинди.

"Global Bridges e.V." ижрочи раиси Беате Линдеманининг фикрича, конференциянинг ўтказиш жойини танлаш тасодифий бўлмади. Ўзбекистоннинг минтақادا муҳим ўрин эгаллаши, халқининг бой маданият ва тарихий мероси ҳамда мамлакатда турли жабҳаларда юз бераётган кенг қуламли ислохотлар бундай қарорга келишга хизмат қилди. — Ўзбекистоннинг ёш ва

серғайрат Президенти раҳбарлигида мамлакатда ёшлар сиёсати фаол олиб борилаётгани биз учун ҳайратланарлиқдир. Тошкент ёш лидерлар конференцияси Ўзбекистон учун Европа, Осиё ва Американинг ёш етакчиларини бирлаштирувчи халқаро тармоққа кириш чиптаси бўлиб хизмат қилади. Умид қиламизки, Тошкентда бўлиб ўтадиган мазкур тадбир ўзбекистонлик ҳамкорлар билан мустаҳкам ва узоқ мuddатли ўзаро ҳамкорлик қилишига барқарор пойдевор яратди, — деди Б.Линдемани.

Тадбир дастурига кўра, конференциянинг асосий қисми Тошкентда ўтказилади. Унда иштирокчилар халқаро ва минтақавий сиёсат, савадо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, унинг етакчи давлатлар билан ўзаро муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ролига оид долзарб мавзуларда фикр алмашишди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Тарих институти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказиши ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, конференция доирасида Самарқанд шаҳрига сафар уюштириш, унинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишиш, шунингдек, "MAN Auto Uzbekistan" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасига бориш ҳам режа-лаштирилган.

"Дунё" АА



BLITS-INTERVYU

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ҲАҚИДА

### 7 МАЪЛУМОТ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияномаси асосида тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ҳақида кўпчилик эшитган бўлса керак. Мазкур мавзуга доир бир қатор саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Иттифоқ Марказий Кенгаши ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўлими мудири Феруз Абляров билан блиц-интервью ўтказдик.

— Имтиёзли кредит кимларга ва қанча миқдорда берилади?

Ф.А.: Имтиёзли кредитларни юридик шахс мақомига эга бўлган ва бўлмаган ёш тадбиркорлар олиши мумкин. Биринчи тоифа учун кредит миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача (ҳозирги кунда 516 миллион 720 минг сўм), иккинчигача эса, 1000 бараваригача (172 миллион 240 минг сўм) этиб белгиланган.

— Тадбиркорликнинг қайси йўналишлари имтиёзли кредитланади?

Ф.А.: Уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, насли чорвачилик, қуён боқиш, паррандачилик, балдизчилик ва асаларчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

рини етиштириш ва қайта ишлаш буйича курсатиладиган техник хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;

— ихчам иссиқхоналарни қуриш, мева-сабзавотчиликда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик техникалари ва механизмларини сотиб олиш;

— янги боғ ва тоқзорларни барпо этиш, илғор замонавий, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш;

— озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хомашё ва материалларни қайта ишлаш, хўнармаданчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш;

— аҳолига манший, тиббий, сайёҳлик ва меҳмонхона хизматларини, шунинг-

дек, автомобиллар ва бошқа техник воситаларни таъмирлаш буйича хизмат кўрсатиш.

— Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси қанча?

Ф.А.: 13 фоиз.

— Муддати-чи?

Ф.А.: Ҳақини. Шунда ҳам кредит олган шахсга олти ойгача муддатда фақат фоиз суммасини тўлаш имкони берилади. Асосий қарзни қайтариш эса, имтиёз даври тугагандан сўнг амалга оширилади.

— Имтиёзли кредит учун таъминот ҳам талаб этиладими?

Ф.А.: Албатта. Кредит олувчи банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиши мумкин: мол-мулк гарови; банк ёки суғурта компаниясининг кафолати;

учинчи шахс кафилиги (агар кредит миқдори иш ҳақининг 100 баравари миқдоригача бўлса);

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик ҳатарининг банк фойдасига суғурта қилинган тўғрисидаги суғурта полиси ва қонунчиликда қўзда тутилган бошқа таъминот тури.

— Дарвоқе, лойиҳани амалга оширишда Ёшлар иттифоқи қайси банклар билан ҳамкорлик қилади?

Ф.А.: “Миллий банк”, “Микрокредит-банк”, “Агробанк”, “Ипотекабанк” ва “Халқ банки” билан.

— Имтиёзли кредитни олиш тартиби ҳақида ҳам тўхталсангиз?

Ф.А.: Ёш тадбиркор Иттифоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар кенгашига мурожаат қилиши керак. Унинг бизнес режаси ҳудудий кенгашлар қўшидаги комиссия томонидан қўриб чиқилади ва тегишли қарор чиқарилади.

Гулчехра АШУРОВА тайёрлади.

## Ёшларга оид давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришнинг

### “НОРИН ТУМАНИ ТАЖРИБАСИ”



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган вилоятининг Норин туманида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг янги — юқори самарадорликка қаратилган тизимини жорий этди

7-14 май кунлари  
8 та ишчи гуруҳи  
57 маҳалла,  
20 минг 853 хонадонда

6 минг 888 муаммо аниқланди  
71,3 фоизи жойида ҳал этилди

ўрганиш ишларини олиб борди

#### Маънавий-маърифий йўналишдаги ташаббуслар

● Туман марказида 100 минг китоб фондига эга биринчи замонавий кутубхона

● Олис қишлоқлардаги 7 маҳаллада замонавий типдаги “Ёшлар матбуоти” шохобчалари

● “Ёшлар почтаси” велокурьерлик хизмати

● 2 300 нафар уюлмаган ёш учун “Ёшлар овози” ва “Халқ сўзи” газеталари, “Дугоналар” ҳамма “Ёш куч” журналларига бепул обуна

● Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тарбияси оғир ёшларнинг 105 нафари Турақурғон туманидаги “Ибрат” кутубхонасига доимий аъзо қилинди

● Математика ва инглиз тили фанларидан олимпиада ўтказилди (3 нафардан голиб аниқланиб, улар тулов-шартнома асосида ўқишга қирган тақдирда, 1 йиллик контракт пули тўлаб берилди)

#### Бандликни таъминлаш

1 776 нафар йигит-қиз мутахассислиги буйича ишга жойлаштирилди

344 нафар ёшга жами салкам 5,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди

1 882 та янги иш ўрни яратиш имконини берадиган 70 та йирик лойиҳа ижроси учун 32 миллиард 560 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди

317 нафар ишсиз ёш Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясидаги малака ошириш курсларига жалб этилди

#### Спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзига доир

10 та маҳаллада намунавий типдаги спорт майдончалари барпо этилди

20 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди

84 нафар ногиронга аравачалар берилди

44 маҳаллада футбол, волейбол, стол тенниси, арқон тортиш ва тош кўтариш буйича уч босқичли мини олимпиада ташкил қилинди

#### Ижтимоий муҳитни яхшилаш, маданий савияни ошириш

● Ажрим ёқасидаги 32 та оила яраштирилди

● 10 мингдан ортиқ аҳоли иштирокида 40 дан зиёд очиқ мулоқот, маданий-маърифий тадбир, учрашув ва мушоира кечаси, спектакллар намойиши ҳамда концерт дастурлари ташкил этилди

● 40-мактабни намунавий таълим масканига айлантириш мақсадида биноси тўлиқ таъмирланди, барча керакли тарғибот воситалари, ўқув адабиётлари ва қўлланмалар етказиб берилди

● Норин ҳамда Косонсой туманлари марказий стадионларида ёшларни эзгу ғоялар йўлида бирлашишга чорловчи “Ёшлар — Ўзбекистон келажиги” шiori остидаги шоу гала-концертлари ўтказилди. 12 мингдан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди

! Аҳолидан ҳар куни ўртача 100-150 га яқин мурожаат келиб тўшди. Уларнинг 80 фоизи маҳаллий ижроия органлари ишидан норози

#### НОРИН ТУМАНИНИ

«АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШДАН ХОЛИ ҲУДУД»

«ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД»

«ОИЛАВИЙ АЖРИМАРДАН ХОЛИ ҲУДУД»га айлантириш буйича 600 дан ортиқ тарғибот тадбири амалга оширилди.

## Кўрган бошқа

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ангор туманидаги “Huashen Silkworm Pro” қўшма корхонасида 152 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўтамоқда.



Айни пайтда корхонада ипак куртларидан импорт ўрнини босадиган, сермахсул уруғлар олиш ишлари бажариламоқда. Мазкур жараёнга Ангор ва Термиз туманларидаги касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитган йигит-қизлар ҳам жалб этилганлиги алоҳида аҳамиятга эришди. Натижада улар соҳа сирларини чуқур ўрганиш ҳамда касбий кўникмасини ошириш имконига эга бўлмоқда. Бу эса, битирувчилар банд-

лигини таъминлаш учун муҳим омили саналади. — Амалиёт давомида ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишиб, малакали мутахассислардан иш ўрганилмиш, — дейди Ангор қурилиш, коммунал касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муниса Абдуллаева. — Мен келгусида шу корхонага ишга киришни ният қилдим. Юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшим бор.

## MUNOSABAT



### СТАНДАРТИ ИШОНЧНИ ОРТТИРАДИ

Музаффархон ҲАМЗАЕВ, “O'zbek-Turk Test Markazi” қўшма корхонаси бош директори

Ҳалол лўқмадан яхсиси йўқ. У инсоннинг вужудига эмас, балки ҳаётини ҳам поклайди.

Юртбошимизнинг 2017 йил 6 ноябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, помидор, дуккакли эканлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ юртимизда “ҳалол” стандарти жорий этилди. Мазкур тушувча озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, таснифлаш, қабул қилиш, қалоқлаш, тамгалаш, белгилаш, текшириш, етказиб бериш, сақлаш ва сотиш жараёнида рияз қилиниши шарт бўлган динимиз талабларидан келиб чиқувчи қондалар мажмуини ифода этади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги кунда мусулмонлар яшайдиган кўпгина давлатларда “ҳалол” стандарти амал қилмоқда. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ҳолатда ишлаб чиқарувчилар зиммасига муайян мажбуриятлар

тушади. Аввало, маҳсулотнинг сифатига талаб кўчяда. Қолбаса тайёрлашни мисол қилиб олайлик. “Ҳалол” стандарти доирасида нафақат маҳсулотга солинаётган масаланинг сифат ва таснифи, балки истеъмолчига қай тартибда етказиб берилишига аҳамият қаратилади. Шу орқали харидорнинг ишончини қозониш, қолаверса, ишлаб чиқариш шароитида санитария-гигиена талабларига тўлиқ рияз қилинишига эришиш мумкин.

Қувонарлики, юртимизда “ҳалол” стандарти буйича ишлаш истиғида бўлган тадбиркорлар сони кўпаймоқда. Аммо янги тизимга ўтар эканмиз, бошқа ташкилий масалаларни ҳам баравар ҳал этиб бориш лозим. Хусусан, маҳсулотларни “ҳалол” стандартига мувофиқлигини аниқлаб берадиган халқаро даражадаги сертификатлаштириш идораларини ташкил этиш кун тартибидagi долзарб масалалардан бириндир. Ишончим комилки, қурилайётган жамийки савий-ҳаракатлар Ўзбекистонда истеъмол маҳсулотларига бўлган талаб ва муҳими, ишончинг орттиришига хизмат қилади.

шерик бўлдим. Қутидан асалли мосламаларни олишдан олдин, унга бир оз тутун киритилади. Сўнгра уларга ёпишган асаларилар бир тутам ўт боғлами билан суғуриб туширилади. Мосламаларнинг юзаси оқариб кетгани, ҳатто устига тортилган сурп матолар мум билан қоплангани ҳайратимни оширди. Қаҳрамонимиз айтганидек, бу асалнинг сифатли эканидан далолат.

— Ҳозирча элик иккита маҳаллий асалари оиласини парваришляпмиз, — дейди Сарвар. — Ҳар бирдан ўртача 15-16 килограмм асал олиш мумкин. Бу 300 минг сўм фойда қолади деган гап. Асал сотишдан келаятган даромад ҳисобига иссиқхона қуришни мўлжалляпман. Шу зайлда фаолиятимни кенгайтириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга жўнатишни ният қилдим.

Ҳа, қароқчиликлар Сарвар Намозовни мақтаганича бор экан. Юртимизда шундай шижоатли, меҳнатсевар ёшлар кўпайса, халқимиз дастурхони янада тўлиб бораверади.

BUGUNGI TALABA — ERTAGA MUTAХASSIS

## ORNAK OLI!



### ПУХТА ИШДАН ДАРОМАД УНАР

Жавҳар ТУРСУНОВА

Қумқўрғон туманидаги Қарсоқчи қишлоғига борсангиз, асаларичи Сарвар Намозов ҳақида эшитишингиз тайин. У ёш бўлишига қарамай, ишнинг кўзини билладиганлардан. Ўтган йил коллежни тамомлаб, тадбиркорлик қилиш мақсадида банкдан кредит олди. Пахта далалари яқинлигини ҳисобга олиб, томорқасида асалари қутиларини жойлаштирди.

— Тоғам асаларичи эди, — дейди сўхбатдошимиз. — Дарсдан кейин у кишига ёрдамлашардим. Соҳа менга маъқул

келди, уйдагилар билан бамаслаҳат ўз ишмини бошладим. Баъзи одамлар таваккал қилишдан қўрқади. Бирок

Сарвар белни маҳкам боғлаб, синовлардан чўчилади. Фақат олдинга юрди.

— Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир, — дейди у. — Кучли хоҳиш ва аниқ режангиз бўлса, ошнинг олчи даяверинг. Муҳими, ишни пухта бажариш керак. Шунда мўл даромадга эришасиз.

Асал олиш мураккаб жараён. Мен ҳам ҳимоя қийимларини кийиб, Сарварга

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

Мени бир нарса қизиқтиради. Баъзан йўллар қовлаб қўйилади-да, ойлари давомида таъмирланмасдан ётади. Кўп ҳолларда ҳатто оғоҳлан-тирувчи белги ҳам қўйилмайди. Шундай пайтда транспорт ҳолати рўй берса, йўлни қовлаган ёки шу йўлга масъул ташкилот жавобгар бўладими-йўқми? Бу ҳолатда қарга мурожаат этиш мумкин?



Адлия вазирагининг "Ҳуқуқий ахборот" каналдан олинди.

Автомобиль йўллари минтақасида хавфсизлиқни таъминлаш ва ташкил этиш қоидаларига асосан, таъмирлаш ишларини олиб бораётган ташкилот тегишли ҳудудни тўсиб, муҳофазалаши шарт. У ерда хавфсиз ҳаракатланишни ташкил этиш масъулияти ҳам мазкур ташкилот раҳбарлари зиммасида бўлади. Борди-ю, йўлнинг қатнов қисми қовлангани ёки таъмирланаётгани тўғрисида ҳеч қандай оғоҳлантирувчи белгилар қўйилмагани оқибатида йўл-транспорт ҳолати рўй берса, жабрланувчи судга мурожаат этиши мумкин. Суд ҳайдовчи ва йўловчиларга етказилган моддий, маънавий зарарни аниқлайди ҳамда давлодаги вазиятни тасдиқлаш, зарарни ундириб беради.

BILASIZMI?

Ўзбекистон Республикасида талаба бир семестр давомида узрли сабабсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдирса, олий таълим муассасасидан четлаштирилади. Шунингдек, белгиланган муддатда фанларни ўзлаштира олмаган талаба ректор буйруғи билан курсда қолдирилиши мумкин.



2012 йил 26 апрелда қабул қилинган "Оилавий таъдбиркорлик тўғрисида"ги қонунга асосан, оилавий таъдбиркорлар ўзлари истиқомат қилаётган хонадонда фаолият юритиши мумкин. Бунда яшаш учун мўлжалланган майдонни ишчи ҳудудга айлантириш талаб қилинмайди.

КЕЛИН ҚАЙСИ ТОМОНДА ТУРАДИ?

Юртимизда китобхонлик тарғиботи бўйича кўп ишлар қилиняпти. Бош совринига автомобиль қўйилган "Ёш китобхон" танлови фикримизга тасдиқ. Бу каби саёй-ҳаракатлар учун давлатимизга раҳмат айтиш керак, албатта. Аммо ўзимизнингчи, китобга муносабатимиз қандай? Шунини аниқлаш мақсадида дўстим иккимиз "Охириги борм ўзингиз учун қандай китоб сотиб олингиз?" деган савол билан кўчадаги йўловчиларга мурожаат қилдик.



Кимдир бундан ўттиз йил аввал қўлига китоб олганини айтса, кимдир китоб сотиб олмаслигини, фақат кутубхона хизматидан фойдаланишни биларди, бошқа биров эса, китоб деган сўзни эшитиши билан, юзини буриштириди. Олдимга югуриб келиб, молини ўтказишга уринган тиллафурушларнинг ҳам "жавоби" тахминан шундай бўлади. Сал нарироқдаги сотувчи томон юрдим ва унга ҳам ўша таниш савол билан юзландим. Кутимганда мени қувиб

ёхуд КИТОБСЕВМАСлар орасида баҳсга айланган мавзу



Хайриятки, навбатдаги суҳбатдошим мендаги охириги умид ўқувларининг сўнишига йўл қўймади. Истараси иссиққина киз "Маманбий афсонаси" китобини сотиб олганини айтди. Бу мен кун давомида оловган ягона жўзлаи жавоб эди. Ҳафсадам пир бўлганини пайқаган дўстим: "Мана энди сен қараб тур", — деди-ю, ўзини одамлар орасига урди ва дуч келган одамга: «Айтинг-чи, тўй кунини келин қувининг қайси томонида туриши керак?» — деган савол билан мурожаат қила бошлади. Дўстимнинг сўроғи кун

мавзусига айланишига сал қолди-я. Баҳс-мунозарани курсангиз эди... Энди, азиз ўқувчи, дўпини бошдан олиб, яхшилаб мулоҳаза юритиб кўрайлик: китобдан шунчалик узоқлашдикми? Бир пулга қиммат майда гаплар билан соатлаб баҳслашишга, нахотки, вақтимизни қизганмасак? Тўйда келиннинг қайси томонида туриши унинг тарбияси ёки ифратини белгиламайди-ку! Миллатни юксалтирадиган нарса фақат илму маърифат. Шунини унутган миллат таъназулга юз тутажак. Хўш, сиз қайси китобни харид қилмоқчисиз?!

QING, BU QIZIQ!



Германияда полиция офицерига сенлаб мурожаат қилиш мумкин эмас. Акс ҳолда, 600 евро миқдорда жарима тўлашга тўғри келади.



Буюк Британияда ишлаб чиқарилганига 40 йил ва ундан кўп бўлган автомобиллар техник кўриқдан ўтказилмайди. Шу билан бирга, уларни тегишли сертификатга эга бўлмай туриб ҳам бемалол ҳайдаб юрса бўлади.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Сарвар ХУДОЙНАЗАРОВ, талаба. Ер юзидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири — Хива Шарқ мейморчилигининг жавоҳири саналади. ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майор унга "жаҳон шаҳарларининг олмоси", дея таъриф берган. Х асрда Хива аунёдаги ўттизта энг йирик шаҳардан бири сифатида эътироф этилгани ҳам маълум.



Ичан қалъа ёлгорлик мажмуаси кўҳна кентнинг юраги ва фахри саналади. Археологик қазинмалар давомида деворлар остидан топиладиган сопол буюмлар, катта ҳажмдаги хом гишлар ушбу ноёб объект эрамиздан аввалги V асрда бунёд этилганини кўрсатади. Умуман олганда эса, шу кунга қадар Хивада турли даврларга оид 122 дан ортиқ археологик ва мейморий обида сақланиб қолган. Улар сайёҳларни ўзига ром этиб келмоқда. Йигирма олти гектар майдонга эга Ичан қалъа музей

қўриқхонасида 360 хонадон мавжуд. Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва 2017 йил 16 августдаги "2018 – 2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Ичан қалъада истиқомат қиладиган аҳоли ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, уларнинг хунармандчилик ва хизмат


кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бориши учун қатор енгилликлар яратилди. Бу эса, сайёҳлар учун ҳам айнаи мудаодир. Хивада меҳмон бўлган норвегиялик сайёҳ ва олим Тур Херердал шундай дейди: "Дуненинг жуда кўп қадимий шаҳарларини томоша қилдим. Улар рўйхатида Рим, Афина, Истанбул, Қоҳира, Сингапур, Дехли бор. Лекин ҳеч бири менда Хивадек илқ таассурот қолдирмаган. Хива — муъжизавий шаҳар. Бу ажойиб масканга яна келишни ният қилдим".

YOSHLIK ILHOMI ОТА

Азиз НУР, Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси. — Ҳамсоё, шаҳарга кетяпман. Ўғлимни бир қўриб келай. Соғинади-да одам, жон-жигаринг бўлса. Ўзи келаман дейди-ю, вақти йўқ. Ўқияпти. Катта дўхтир бўлади ҳали. Ўзи шунинг бошқача эди-да, ҳамсоё. Китобдан бош кўтармасди. Энаси сезган-да бундан одам чиқиниши, қўлини ишга урдирмасди. Ўқи, дерди, мана ўз кучи билан ўқишга кирди.

Эсингиздами, ушанда шартта бурдақи қўйимни сўйиб ош берганим. Битта қўй нима бўпти-я, ҳамсоё, ҳали ўқишини битирса кўрамини тўларди. Тунов кунини тил-

жойда. Топган-тутганим шу битта ўғлимга ярамаса менга нима фойда, гўримга орқаларимдими! Иннаккени, мен билан кампиримга пул нимагаям керак?! Ўғлим



понада гаплашганим. "Ўзгина пул керак. Сизиниям қийнадим, ота", — дейди боласи тушмагур. Шу битта ўғлим учун қийнаганими? Уни кўнглини ўқитсам мен қанақадан отаман-а? Ҳўқизни пуладим-ю, мана белбоққа тугиб олиб кетяпман. Ўғлимнинг ошна-оғайниси бордир, пули бўлмай қўлиб уларнинг олдидан тили қисилмасин, ўқимасин дейман. Такси-паксидан берворинг, девади. Қаранг, мени ўйлайди-да, овора бўлмасин, дейди. Шугинам учун не бўлсам-бўлмайманми? Ўзим олиб бориб, дийдорига тўйиб келаман. Тошканларини айланб келамиз-да бахонада. Нима дейсиз? Битта ҳўқиз пули кўлмасми? Ие, қизиқ экансиз-ку. Шаҳарда яшаш осонми? Яна Тошкандай

— Ҳайтидим, ҳамсоё, қайтидим... Тошканми? Тошкан... Зур экан, ҳа, ҳа зур! Ўғлим ҳам яхши. Қўпдан-қўп салом айтди, кетмайсиз деб туриб олди, йўқ дединг, энанг ўзи қўрқади, деб тез изимга қайтавердим. А? Совчиликка дейсизми? Қарга? Абдурайимнингки?! Ҳа, ҳа бўлди, эсладим. Борамиз, албатта. Фақат сал кейинроқ, қўқ-лашга чиқиб. Майли энди, ҳамсоё, уйга қўнғинг, гаплашармиз. Мен қирақолай, йўл чарчати, шеклими... Ҳамсоё, мен чарчамадим, сизнинг олдингизда тургани уялдим, сўзим қолмади. Сизга бошқа нима дей, ахир, нимаям деблардим?! Ўғлим шаҳарлик бўлиб кетибди дейми? Қиз боладай сочинин елкасига тушириб юрган экан, дейми? Ўғлим таксидан берворинг дедим-ку, нега келингиз, деб койганим айтмайми?! У мендан уялди, орланди, ошналарига отанининг ишисини, деди. Мени эшитмади, деб уялади. Ҳамсоё, кошқийди, эшитмасам. Бир марта энасининг ҳолини сўрамади. Энди кампирга нима дейман, элик йил турмуш қўриб ёлгон гапирмаган, энди алайдими? Ўғлинг кўп салом айтди, сени соғинибди, дейми? Ўғлим гапирдим, ҳамсоё, сизга салом айтмади. Абдурайимнингкига ҳам бормайсиз энди. Бу бола шаҳардан келин топибди. Аҳду паймон қилганимиз, ўша ерда уйланиб, яшармиш. Келин бўлишини кўрдим. Кийимидан уялдим. Этаги йўқ, ёқаси йўқ қўйлак билан минг-минглар ичиде юрибди-я! У, кампир неча йиллардан бун ёнқан сепини киймаслигини аниқ. Унга бунни айтмаганим, айта олмаганим, ҳамсоёжон. Сизга-чи? Дилим қуйяпти! Мен шундай ўғил устидаримми? Йўқ, у менинг ўғлим эмас! У бошқа, бошқа! Менинг ўғлим келади ҳали, катта дўхтир бўлиб келади. Кўрасиз, ҳамсоё, кўрасиз...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қуйидаги қурилмалар хариди бўйича ТЕНДЕР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Харажат номи	Миқдори			
1.	Фотоаппарат Canon EOS 5D Mark IV Body	3	17.	Монтаж компьютери Системный блок ( CPU Intel Core i7 7700 / MB B250 / DDR4 8Gb / HDD 1Tb / VGA Radeon RX 570 4Gb 256bit / CASE Aerocool-Huntkey / Блок Питания 550W Aerocool-Huntkey / Monitor LG 24 IPS LED / Keyboard + mouse Multimedia USB / Сетевой фильтр 3м / Колонки)	2
2.	Объектив Canon 24-105mm F.4 L II	3	18.	Синхронизатор Godox X1R2.4G@ CANON)	1
3.	Объектив Canon 70-200mm F2.8 L II IS	1	19.	Cart Reader Lexar3.0	1
4.	Фильтр 77 mm UV tiffen	3	20.	Флешка Transcend SDXC 64GB Class 10	1
5.	Микрофон Boya радиопетличка (симсиз)	2	21.	Матовый рассеиватель оригинал Canon 600EXRT учун	1
6.	Микрофон (масофали) репортаж учун	2	22.	Светоотражатель Диаметр 110	1
7.	Canon MARK IV учун махсус сумка	3	23.	Вспышка GODOX AD 600 B TTL	1
8.	Canon MARK IV учун штатив	3	24.	Softbox 80x120 Godox	1
9.	Ташқи хотира мосламаси SD Card Transcend 128 GB 633x	3	25.	Фотозонтик вспышка учун мослама штативи билан	1
10.	Чироқ LED Tofilo PT-15B	1	26.	Dron DJI Phantom 4Pro	2
11.	Аккумулятор (пржектор учун)Lihum	3	27.	Dron DJI Phantom 4Pro учун ташқи хотира мосламаси 64Gb	2
12.	Аккумулятор Canon LP-E6N	3	28.	Dron DJI Phantom 4Pro учун кўшимча аккумулятор	2
13.	Вспышка Yongnuo 600EX RTII	2			
14.	Пржектор Godox LED 120	3			
15.	Кувват олиш мосламаси CANON LC-E6	1			
16.	Аккумулятор Eneeloop Pro AA (BK-3HCDE/4BE) (вспышка учун)	4			

Таклифлар жорини июл 27 манага қадар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши харизлар бўлими томонидан қабул қилинади. Тендер танловидан мувофиқлик сертификати ҳамда бир йил муздан кам бўлмаган (хўражат билан тасдиқланган) қаролганга эга қурилмалар иштирок этиши мумкин. Техник ускуналарни етказиб бериш муддати — 2018 йил 30 май. Мурожаат учун телефонлар: +998 99 858 4425, +998 99 8730009.

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
Қамолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Рўзиёва Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамонович  
Навбатчи  
Тўмарис Бутунбоева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси қилиштилган нархда.  
Буюртма Г-537  
Адади — 22176  
Босишга топширилган вақти — 21.00  
Тошхирда — 23.35  
ЎЗА ВУЖИ — 22.15  
Офсет усулида босилган.